# Ishonch

*Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!*

2022 йил
2 апрель
шанба
№ 42
(4638)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz


## 1 апрелдан НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?



– Кекса ёшдагилар бепул дори-дармон билан таъминланади;



– «UzAuto Motors» автомобили фақат харид қилиш бўйича шартнома тузган шахс номига расмийлаштирилади;



– Айрим боғчаларга болаларни 2 ёшдан қабул қилишга рухсат берилади;



– Ноқонуний дарахт кесиш ҳолатларини суратга олиб юборганларга пул тўланади;



– Ногиронлик нафақаси ва пенсиянинг энг кам миқдори оширилади;



– Хусусий боғчага фарзандларини юбораётган ота-оналар даромад солиғидан озод қилинади;



– Айрим тадбиркорлар учун ижтимоий ҳамда айланма солиқлар ставкаси 1 фоиз этиб белгиланади.



*Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги тегишли фармони билан мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга оид «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан шу йил 1 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида йилига 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш бўйича кўплаб вазифалар белгилаб берилди.*
*Айни вақтда юртимиз бўйлаб ушбу тадбирлар қизғин давом этмоқда.*

# Янги Ўзбекистонни «Яшил макон»га айлантирамиз!

*Сирдарё вилояти*

Касаба уюшмалари кўмагида



# ИШ ҲАҚИДАН ҚАРЗДОРЛИК

*қачонгача давом этади?*

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши томонидан иш ҳақи ўз вақтида тўланиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда. Шу мақсадда иш берувчиларга, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига, банкларга, ҳуқуқий инспекцияларга, прокуратура ва суд органларига мурожаатлар қилинмоқда.**

Тегишли чоралар кўрилишига қарамай, 2022 йилнинг 1 март ҳолатига Сирдарё вилоятида иш ҳақидан қарздорлик 1 миллиард 293 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Ушбу қарздорлик Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси хизматида бўлган, банкротлик ёқасига келиб қолган «Гулистон экстракт ёғ» АЖнинг 301 нафар ходимига тўланмаган иш ҳақидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгашининг мутахассислари амалий кўмаги билан тармоқ касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши томонидан шаҳар прокуратурасига корхонада юзага келган қарздорликнинг ундирилишида амалий ёрдам кўрсатиш тўғрисида хат ва акциядорлик жамияти раҳбариятига қарздорликни узиш чораларини кўриш юзасидан тақдимнома киритилди. Қарздорликни суд тартибида ундириш мақсадида қарздорлар рўйхати ва солиштирма далолатномалар тузилди.

Жорий йилнинг февраль ойида вилоят кенгаши мутахассислари кўмаги билан прокуратура орқали Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига 50 нафар ходимнинг 238 миллион 655 минг сўмлик, адлия органлари орқали Фуқаролик ишлар бўйича Гулистон туманлараро судига 25 нафар ходимнинг 154 миллион 870 минг сўмлик муддатида тўланмаган иш ҳақини ундириш юзасидан аризалар киритилиб, тегишли суд буйруқлари чиқарилди.

– Низоли ҳолатларда қарздорлик бошқача шаклда ҳам ундирилиши мумкин, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши бўлими бошлиғи Дилмурод Пирманов. – Шу мақсадда кенгаш ташаббуси билан корхонада Меҳнат низо комиссияси тузилиб, ушбу комиссия мажлисларида 50 нафар ходимнинг муддатида тўланмаган 487 миллион 317 минг сўмлик қарзини ундириш юзасидан қарорлар қабул қилинди. Ушбу комиссия қарори суд иши қарори билан тенг мақомда бўлиб, мажбурий ижро тартибида ундирувга юборилди.

**Озода МАМАДАЛИЕВА,**
«ISHONCH»

*Тошкент шаҳри*

**Нилуфар Охунова кўп йиллардан буён Тиббиёт ходимларининг малакасини ривожлантириш марказида фаолият юритиб келаётган эди. Аммо кутилмаганда иш берувчи уни ишдан бўшатди.**

Касаба уюшма аралашгач...

# БАҲОНАСИ ЎТМАДИ

*ёхуд ноҳақ бўшатилган ходим ишга қайта тикланди*



Сабаб эса иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасининг муддати тугаши эди.

Шундан сўнг Н.Охунова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига мурожаат қилди. Мазкур ҳолат мутахассислар томонидан қонун доирасида ўрганиб чиқилди.

– Шикоят ўрганилгач, ходим ноҳақ ишдан бўшатилгани ойдинлашди, – дейди меҳнат ҳуқуқи инспектори Наргиза Асадова. – Аслида, Н.Охунова билан иш берувчи ўртасида муддатли меҳнат шартномаси тузилган. Меҳнат шартномасининг муддати тугагач, иш берувчи орадан уч ой вақт ўтиб, меҳнат шартномасини бекор қилган. Аммо Меҳнат кодексининг 105-моддаси иккинчи қисмида «Агар муддат тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва тарафлардан бирортаси бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга узайтирилган ҳисобланади» деб белгиланган. Демак, бундан англашиладики, иш берувчи орадан шунча вақт ўтгач, ходимни бу тариқа лавозимдан озод этишга ҳақли эмас. Шундан келиб чиқиб, иш берувчига қонун бузилишини бартараф этиш тўғрисида кўрсатма юбордик. Шунга қарамай, иш берувчи ноқонуний равишда Н.Охуновани ишдан бўшатган.

Муроса йўли билан ҳал этилмаган иш охир-оқибат судгача етиб борди. Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан фуқаро ўз вазифасига тикланди ҳамда мажбурий прогул оқибатида бекор юрган кунлари учун унга иш берувчидан беш миллион сўм миқдорида маблағ ундириш белгиланди.

**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,**
«ISHONCH»



## Кун нафаси




**«Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»** Президент қарори қабул қилинди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни **ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш** ўтказди.

* * *

Ўзбекистон Президенти **Шавкат Мирзиёев** Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси раиси **Соҳиба Гафаровани қабул қилди.**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири **Абдулла Арипов** амалий ташриф билан **Қирғизистон Республикасига борди.**

* * *



Хитой Халқ Республикасининг Хуаншань шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистонга қўшни давлатларнинг 3-Вазирлар конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири **С.Умурзоқов** чет эллик ҳамкасблари билан қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказди. Хусусан, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири **Ван И,** Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири **Сергей Лавров,** Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири **Ҳусайн Амир Абдуллаҳиён** ва Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи **Амир Хон Муттақий билан икки томонлама ҳамкорлик масалалари** муҳокама қилинди.

* * *



Бухоро вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Россия Федерациясининг Краснодар, Владимир, Мурманск вилоятларида меҳнат қилаётган **бухоролик юз нафардан ортиқ юртдошимиз билан онлайн мулоқот** ташкил қилинди.

* * *



Бизнес миссия билан АҚШда бўлиб турган **Ўзбекистон Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги экспертлар гуруҳидан иборат делегация** жаҳоннинг энг нуфузли олийгоҳлари қаторига кирувчи **Purdue университети вакиллари билан учрашди.**

* * *



Тошкент вилояти Нурафшон шаҳридаги Президент мактабида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими билан ҳамкорликда **«Китоб – беминнат устоз»** мавзусида маърифий учрашув бўлиб ўтди.

*Қашқадарё вилояти*

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши ташаббуси билан бир гуруҳ педагогларнинг Бухорои шарифга саёҳати уюштирилди.**

Ички туризм

# Зиё аҳли ЗИЁРАТДА

Зиё аҳли зиёрат давомида Амир Кулол, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Минораи Калон, Лаби Ҳовуз, Қадимий арк мажмуалари, Мир араб мадрасаси ва бошқа тарихий масканларда бўлишди.

Узоқ ва яқин тарихдан, мозий хотиротларидан сўйловчи обидалар барчага олам-олам таассурот улашди.

**Алишер ХОННАЗАРОВ,**
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши раиси


КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...









Халқаро конференция

# МУҲОКАМА МАРКАЗИДА муносиб меҳнат мавзуси



**Шу йилнинг 31 март куни пойтахтимизда «Ўзбекистонда муносиб меҳнатни илгари суриш: инсонга йўналтирилган ёндашув» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.**

Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлигида муносиб меҳнат тамойилларини такомиллаштириш жараёнларида халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда янги таклиф ва ғояларни ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси раиси Т.Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдер, унинг ёрдамчиси, ХМТнинг Европа ва Марказий Осиё бўйича бюроси директори Х.Коллер, БМТ, ЕТТБ, Европа иттифоқи ва бир қатор халқаро ташкилотлардан юзга яқин мутахассис ҳамда эксперт, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари, шунингдек, Олий Мажлис палаталари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

**– ЎЗБЕКИСТОНДА МУНОСИБ МЕҲНАТ БЎЙИЧА 2021-2025 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ МАМЛАКАТ ДАСТУРИ БМТНИНГ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИГА ТЎЛИҚ МОС КЕЛАДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ДУНЁДАГИ БУНДАЙ ДАСТУРНИ ҚАБУЛ ҚИЛГАН БИРИНЧИ МАМЛАКАТ ҲИСОБЛАНАДИ, – ДЕДИ ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ БОШ ДИРЕКТОРИ Г.РАЙДЕР.**






Тадбирда 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб ишга эга бўлиш ва меҳнат шароитларини яратиш, бу соҳада мамлакат салоҳиятини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш каби долзарб масалалар муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати раиси Т.Норбоева сўнгги йилларда мамлакатимизда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига чек қўйилганини алоҳида таъкидлар экан, шундай деди: «Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни йўқ қилиш соҳасида аниқ натижаларга эришилди. Хусусан, қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни имплементация қилиш, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, институционал базани ривожлантириш, тизимли мониторинг ва тадқиқотлар олиб бориш, фуқаролик жамияти ва ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш соҳаларида тизимли ишлар олиб борилди.

«Cotton Campaign» халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига қўйилган глобал бойкот бекор қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигининг ёрқин мисолидир.

**ТАДБИРДА 2030 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА БМТ ГЛОБАЛ КУН ТАРТИБИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИДА БЕЛГИЛАНГАН АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, МУНОСИБ ИШГА ЭГА БЎЛИШ ВА МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ, БУ СОҲАДА МАМЛАКАТ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ КАБИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.**

Албатта, биз бу билан тўхтаб қолмаймиз, бундан кейин ҳам бошқа долзарб тармоқлар бўйича ишлар давом эттирилади. Масалан, шу йилнинг ўзида умумий овқатланиш секторида меҳнат шароитларини ўрганишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Қурилиш соҳасида ўтказилган ўрганишлар натижалари ҳам тез орада тақдим этилади. Ушбу натижалар таҳлили асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади».

Анжуманда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, соҳада бозор тамойилларининг қарор топиши, меҳнат қонунчилиги устидан самарали назорат ва мустақил мониторингнинг амалга оширилиши пахтачилик соҳасида тизимли мажбурий меҳнатни тўлиқ бартараф этишга хизмат қилгани таъкидланди. Шунингдек, мамлакатимизда муносиб меҳнат тамойилларининг амалиётга татбиқ этилишида 2019 йилда ташкил этилган ва бугунги кунда самарали фаолият юритаётган Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий ва ҳудудий комиссиялари аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётгани қайд этилди.

Мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро миграция ташкилоти, Жаҳон Банки, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги, «Cotton Campaign» халқаро коалицияси каби ташкилотлар томонидан билдирилган таклифларни амалиётга жорий этиш бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқилди ва ижроси таъминланди.

Анжуманда Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдернинг конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаати тингланди. Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини жорий этишда Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлик ўрнатилганини алоҳида таъкидлаган Г.Райдер сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида мажбурий меҳнатга қарши курашиш, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш, меҳнат соҳасига оид халқаро стандартларни жорий этиш борасида тизимли ишлар амалга оширилгани ҳақида сўз юритди.

– Ўзбекистонда муносиб меҳнат бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган янги Мамлакат дастури БМТнинг Ўзбекистон учун барқарор ривожланиш мақсадлари соҳасида ҳамкорлик дастурига тўлиқ мос келади ва Ўзбекистон дунёдаги бундай дастурни қабул қилган биринчи мамлакат ҳисобланади, – деди Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директори Г.Райдер.

Тадбирда ижтимоий ҳимоя, бандлик соҳасида самарали давлат бошқаруви, меҳнат соҳасидаги ижтимоий мулоқот мавзуларига бағишланган сессиялар йиғилишларида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Иш берувчилар Конфедерацияси, Молия вазирлиги ҳамда қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакилларининг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан Ўзбекистонда муносиб меҳнат тамойилларини янада ривожлантириш юзасидан янги лойиҳалар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

**Ўз мухбиримиз**

Муносабат



# ФАОЛИЯТ УЧУН МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ

**Жорий йилнинг 18 мартида Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Тиббиётдаги ислоҳотлар – инсон қадри учун» мавзусида тиббиёт ходимлари, аҳоли вакиллари иштирокида очиқ мулоқот ўтказди. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг маърузаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги барча санаторий ва дам олиш уйлари тиббиёт ходимлари учун ўзига хос йўриқнома бўлди.**

Хабарингиз бор, сўнгги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан бир нечта, жумладан, Сирдарёда «Янгиер», Тошкент вилоятида «Кўҳинур», Сурхондарёда «Хўжаипок», «Сангардак», пойтахтимизда «Чинобод плаза» санаторийлари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Самарқандда «Абу Али ибн Сино», Тошкент вилоятида «Оқтош шабада», «Бўстон», «Оқтош», Жиззахда «Зомин» санаторийларида янги даволаш ва ётоқ бинолари барпо этилди. Жорий йилда Тошкент вилоятининг Паркент тумани «Заркент» МФЙда, Бўстонлиқ тумани «Чимён» МФЙда янги санаторийлар ишга туширилиши режалаштирилган. Федерация тасарруфидаги санаторийларда йилига 150 мингдан зиёд ишчи-хизматчи, шу жумладан, хорижий давлатлар фуқаролари соғломлаштирилади.

Бугунги кунда тизимдаги ана шундай масканларда 241 нафар шифокор ва 855 нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатяпти. Охирги 5 йил давомида 18 фоиз ёш шифокорлар ишга қабул қилинган бўлса-да, шу кунгача фаолият олиб бораётганларнинг 30 фоизи нафақа ёшидагилардир. Санаторийларни ўрта тиббиёт ходимлари билан таъминлашда муаммолар мавжуд бўлмаса-да, олий маълумотли шифокор етишмовчилиги «Оқтош шабада», «Олтинсой», «Оқтош», «Косонсой», «Кўҳинур», «Қашқадарё соҳили» ва «Янгиер» санаторийларида кузатилмоқда. Ёш мутахассисларни жалб қилиш мақсадида республикамизнинг тиббиёт олий ўқув юртлари билан тизимли ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, ўқув йили тугаши арафасида ёш мутахассисларни ишга тақсимот қилишда санаторий вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Бундан ташқари, ёш шифокорларни жалб қилиш ёндашувларини янада рағбатлантириш мақсадида жорий йил 1 мартдан янги жалб қилинган ёш шифокорларнинг лавозим маошига тажриба сифатида 50 фоиз устама бериш тартиби жорий қилиняпти.

Тизимдаги шифокорларнинг узлуксиз таълимини такомиллаштириш мақсадида илк бор соҳа асослари ва уни ривожлантириш йўналишида 72 соатлик ўқув дастури ишлаб чиқилди. Малака ошириш бўйича ўқув курслари тажрибали мутахассислар, олимлар томонидан масофавий, яъни «Zoom» платформаси орқали амалга ошириляпти. Натижада, ўтган давр мобайнида тизимда ишлаётган 241 нафар шифокорнинг 153 нафари ишидан ажрамаган ҳолда ўз малакасини ошириб, сертификатларга эга бўлди. Бундан ташқари, қўшимча равишда 31 нафар шифокор Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига ўз ихтисослиги бўйича 1 ойлик малака ошириш курсларига юборилди.

Малака ошириш курслари ва йиғилган соатлар малака тоифасини олишга имкон беради. Бу нафақат тиббиёт соҳасидаги билим даражаларини белгилаш, балки моддий манфаат олиш учун ҳам қулай имкониятдир. Масалан, олий тоифали шифокорнинг маоши тоифасиз шифокорникига нисбатан 40 фоизга юқори. Эътиборли жиҳати, жорий йилга қадар 23 нафар шифокор ва 275 нафар ўрта тиббиёт ходими иш жойидан ажралмаган ҳолда видеоконференцалоқа орқали аттестациядан ўтказилиб, малака тоифаларига эга бўлди.

Бундан ташқари, тиббий ва санатор-курорт хизматларини баҳолаш, уларни мунтазам назорат қилиш ва жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида ривожланган давлатларда кенг қўлланиб келинаётган аккредитация (JCI-Joint Covission of Internatinal – Халқаро бирлашган комиссия, Чикаго шаҳри, АҚШ) тажрибаси ўрганилиб, 72 та мезон ва уни баҳолаш бўйича ҳар бирига 4 тадан, жами 288 та индикатор (баҳолаш кўрсаткичи) ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. «Ички» (ҳар 2 ойда) ва «ташқи» (ҳар 6 ойда) баҳолаш тизими асосида хизмат сифатини мунтазам яхшилаш бўйича мониторинг амалга ошириляпти. Жорий йилда баҳолаш тизими такомиллаштирилиб, санаторийлар рейтингини ҳисоблаш борасида электрон дастур ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Унга биноан, ҳар икки ойда санаторийнинг тиббий, иқтисодий ва ижтимоий фаолияти натижаларига кўра, унинг рейтинги аниқланади.

Шу ўринда, санаторийларни ривожлантириш борасида халқаро тажрибани ўрганиш, илғор амалиётларни қўллаш борасида охирги беш йилда бир неча бор «Ўзбекистон аҳолиси саломатлигини сақлаш ва тиклашда санатор-курорт муассасаларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида халқаро илмий-амалий конференциялар ўтказилганини алоҳида таъкидлаш зарур. Уларда Греция, Болгария, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Малайзия, Тожикистон, Қирғиз Республикаси ва бошқа давлатлардан 30 нафардан зиёд тажрибали мутахассис ўз маърузалари билан иштирок этди.

Видеоселекторда аҳоли саломатлигини асрашнинг етти муҳим йўналиши белгилаб берилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Федерация тасарруфидаги санаторий ва дам олиш уйларида ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилади ва бу фаолиятда муҳим бурилиш ясалишига шубҳа йўқ. Натижада тиббий-сервис хизматлар яхшиланади, малакали тиббий кадрлар сони ортади. Шу тариқа инсон қадрини улуғлашга муносиб ҳисса қўшилади.

**Зоҳид АБДУРАҲИМОВ,**
тиббиёт фанлари доктори

Жамоа шартномаси – амалда

Хоразм вилояти

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратиб келмоқда. Натижада уларнинг аъзолари манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш имконияти кенгаймоқда.**

# Ҳамкорлик самараси

Масалан, Урганчдаги Олимпия захиралари коллежида маъмурият ва бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўзаро жамоа шартномаси тузган. Унга асосан иш берувчи ҳамда муассасадаги касаба уюшма аъзолари ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимояланиб, касбга оид барча муносабатлар тартибга солинган.

Ўз навбатида, касаба уюшма қўмитаси аъзоларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Чунончи, бултур уларнинг 11 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди, 1 нафари моддий жиҳатдан рағбатлантирилди, 9 нафарига санаторийларга йўлланма олиб берилди. Касаба уюшма кўмагида 2 нафар ходимнинг яқинлари санаторийларда, 5 нафар ходимнинг фарзандлари ёзги таътил чоғи вилоятдаги «Жайҳун қуёши» оромгоҳида мароқли дам олишди.

Бўлғуси спортчиларни тарбияловчи устоз ва мураббийлар учун кўплаб спорт беллашувлари ўтказиб келинмоқда. Минифутбол мусобақаларида 40 нафар эркак ишчи-ходим фаол қатнашди. 50 нафар аёл иштирокидаги спартакиада ҳам қизғин ва кўтаринки руҳда ўтди. Ғолиблар ва совриндорларга касаба уюшма ҳисобидан фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Касабақўм томонидан ходимларни турли саналар муносабати билан муносиб рағбатлантириш ҳам изчил йўлга қўйилган. Ўтган йили юбилярлар уч миллион сўмликдан зиёд эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Касабақўм ишчи-ходимларнинг қонуний ҳуқуқларини ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида ҳам диққатга молик ишларга бош-қош бўлмоқда.

Ана шу боис Урганч Олимпия захиралари коллежида 2021-2023 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши якунларига бағишланган умумий йиғилишда маъмурият ва касаба уюшмаси фаолияти юқори баҳоланди.

**Алишер САЛАЕВ,**
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти бирлашган қўмитаси раиси

Тошкент вилояти





**«Ҳудудгазтаъминот» АЖнинг 2020-2022 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2021 йилда «Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали томонидан бажарилиши юзасидан конференция ўтказилди.**

# Инсон қадри улуғ

Таъкидландики, филиал тасарруфидаги барча туман, шаҳар газ бўлимларида 1700 нафардан зиёд ишчи-ходим ижтимоий шериклик асосида қулай шароитларда меҳнат қилмоқда. Филиал бошланғич касаба уюшма қўмитасига ўтган йилда келиб тушган 467 та мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. 72 нафар ишчи-ходимга санаторийларга йўлланмалар берилди. 87 нафар кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож ходимга 58 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам, касаба уюшма фаолларини рағбатлантиришга эса 31,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Туман, шаҳар газ бўлимларига спорт анжомлари олиб берилди. Ички туризмни ривожлантириш мақсадида 200 нафар илғор ходимнинг Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Конференцияда сўзга чиққанлар энг қуйи тизимда меҳнат қилаётган чилангар, фаррошлар ҳам эътиборда эканини эътироф этиб, касаба уюшма қўмитасининг ўтган йилдаги фаолиятига қониқарли баҳо беришди.

Якунда келгуси вазифалар белгиланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Собиржон МУСАЕВ,**
«Ҳудудгаз Тошкент» газ таъминоти филиали бошланғич касаба уюшма қўмитаси мутахассиси

Қашқадарё вилояти

# Заҳматга яраша рағбат

**«Муборак газни қайта ишлаш заводи» масъулияти чекланган жамиятда жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда локал ҳужжат бандларининг бажарилишига доир маърузалар тингланди.**

Қайд этилдики, ҳар бир ходим учун сарфланган маблағ, яъни ходимларнинг жамоа шартномаси орқали йил давомида олган билвосита даромади ўртача 12 миллион 638 минг сўмни ташкил этди. Корхонанинг 259 нафар ходими ва ходимларининг фарзандларига никоҳ тўйи муносабати билан моддий ёрдам кўрсатилди. 352 нафар ходимга фарзандли бўлгани учун, 122 нафарига яқин қариндоши вафот этгани боис моддий кўмак берилди.

Жамоа шартномасига асосан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тузилган тадбирларнинг бажарилишига 7 миллиард 974 миллион 170 минг сўм сарфланди. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиб, бажарилиши таъминланди.

Яккабоғ туманидаги «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида корхона ходимларининг 1608 нафар фарзанди соғломлаштирилди. Шунингдек, Қамаши туманидаги Меҳрибонлик уйининг 35 нафар тарбияланувчиси ва корхонанинг кам таъминланган 109 нафар ходимининг фарзанди имтиёзли дам олдирилди. Шу билан бир қаторда, ноқулай меҳнат шароитида фаолият юритаётган корхона ишчи-ходимлари учун дам олиш тадбирлари ташкиллаштирилди.

Соғлиғини тиклаш учун йўлланмалар олиш ва бошқа мақсадлар бўйича касаба уюшма аъзоларидан тушган аризалар ижтимоий шериклик тамойили асосида касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи ўртасида ижобий ҳал қилинди.

**Акмал АБДИЕВ,**
«ISHONCH»

Мунозара учун мавзу



# УФҚ ОРТИДА НИМАЛАР БОР?

## Ёхуд оммавий маданият олабўжи эмас

Иккинчи мақола

Авваламбор, биз олабўжи қилиб кўрсатилаётган оммавий маданият унчалик ҳам қўрқинчли нарса эмасдир, деган фаразни қабул қилишга уриниб кўрайлик (гап кўпчилик билган «оммавий маданият» ҳақида эмас).

Зеро, оммавий маданият оммавий ахборот воситалари (шу жумладан, Интернет, телевидение, радио), адабиёт, театр, кинематография, мусиқа, тасвирий санъат, спорт ва ҳоказоларнинг айнан ўзгинасидир. Оммавий маданиятнинг мазмун-моҳияти эса жамият ҳаётига дахлдор кундалик воқеалар, интилиш ва эҳтиёжлар билан белгиланади.

Шундай экан, юқорида зикр этилган соҳалардан юксак маданият ва маънавиятни талаб этиш ҳам ўринсиз. Чунки ҳар бир асар, оммавий тадбир (кино, теле-шоу, сериал, спектакль, концерт, кўпинча «белнинг пастини кўзлайдиган» «Миллион», «Дизайн» каби жамоаларнинг томошалари... фарқи йўқ) омма эътиборини тортмас, тижорий фойда келтирмас экан, жамият ҳаёти капиталлашаётган, ҳар қандай фаолият мезони пул билан ўлчанаётган бир пайтда муваффақиятсизликка учрайди.

Шу билан бирга, оммавий маданият индустрияси жуда сермаҳсул. Битта сериални томоша қилиб бўлмасингиздан учта-тўртта янги сериал пайдо бўлади. Хит бўлган қўшиққа қулоғингиз ўрганмай туриб, янгилари янграй бошлайди. Телеканаллар рейтинг илинжида ўз дастурларини енгил шоулар, клиплар билан тўлдиради, ортидан «эркаклик қувватини оширадиган», «насл қолдириш имконини берадиган» дори воситалари, аёллар гигиена воситалари рекламасини тиқиштиради...

Хуллас, оммавий маданият жамиятнинг эҳтиёж ва талабидан келиб чиқиб, ўртамиёна истеъмолчига мўлжалланган маҳсулотларини тақдим этиб бораверади.

**ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ЖЎН КЎРИНГАНИ БИЛАН, ЖУДА МУРАККАБ ВА ҚАРАМА-ҚАРШИ ҲОДИСАДИР. УНИНГ БОШҚАЧА НОМЛАРИ ҲАМ БОР – КЎНГИЛОЧАР САНЪАТ, АНТИМАДАНИЯТ. ЎТГАН АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА КЎПРОҚ САЛБИЙ МАЪНОДА ИШЛАТИЛГАН ОММАВИЙ МАДАНИЯТ БУГУНГИ КУНДА БОШҚАЧАРОҚ ТАЛҚИН ЭТИЛМОҚДА.**

Аммо оммавий маданият жўн кўрингани билан, жуда мураккаб ва қарама-қарши ҳодисадир. Унинг бошқача номлари ҳам бор – кўнгилочар санъат, антимаданият. Ўтган асрнинг 80-йилларида кўпроқ салбий маънода ишлатилган оммавий маданият бугунги кунда бошқачароқ талқин этилмоқда.

Оммавий маданиятнинг бир қанча ижобий жиҳатлари бор. Аввало, у «халқчил», чунки табақа ва ижтимоий қатлам танламайди – ёши, миллати, бойлиги ёки қашшоқлигидан қатъи назар, барчани бирдек қамрай олади. Бундан ташқари, оммавий маданият руҳий эҳтиёжнинг ўрнини тўлдиради. Зеро, у кўнгилочар характерга эга. Ахир ҳар ким ҳам кино ёки бирон-бир томоша кўриб, китоб ўқиб, руҳий енгиллик олиши, кундалик ташвишларидан чалғиши керак!

Иккинчидан, қанчалик ҳайратланарли бўлмасин, замонавий оммавий ахборот воситалари туфайли оддий одамлар ҳам юксак бадиий қийматга эга кўплаб санъат асарлари билан танишди. Бу эса одамларнинг ўртача билим даражасини оширишга хизмат қиляпти. Гарчи оммавий маданиятнинг бадиий қиймати камроқ бўлса-да, жуда катта аудиторияга эга эканини инкор этиб бўлмайди.

Қизиғи шундаки, бир хил санъат турлари (фильмлар, мусиқа, тасвирий санъат асарлари) бир вақтнинг ўзида ҳам элита маданиятига, ҳам оммавий маданиятга тегишли бўлиши мумкин.

Учинчидан, оммавий маданият одамларни бирлаштиради. Айнан унинг шарофати билан биз ўхшаш қизиқишларга эга ҳамфикрларни топамиз, Интернет тармоғида исталган китоб, фильм, сурат ёки воқеани муҳокама қилишимиз мумкин.

Унинг салбий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, бу турдаги маданият ўз фикрларини радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, журналлару рекламалардан оладиган «оммавий одам»ни шакллантиришдан манфаатдор. Ўртамиёна фикр ва хулқ-атвор намуналарини ўзлаштирган инсон эса, табиийки, берилган ролларнинг оддий ижрочисига, оддий истеъмолчига айланади, қиёфасидан айрилади.

Умуман олганда, оммавий маданиятда сифатсиз контент ва содда шакл устувор – у хоҳ поп-мусиқа, хоҳ кўпчилик қизиқиб томоша қилаётган теле-шоу, оммавий адабиёт ва ҳатто ижтимоий тармоқлар тили бўлсин. Чунки оммавий маданият – эҳтиёж маҳсули. Дам олишни, чалғишни, бўш вақтини нима биландир тўлдиришни истаган оддий одам тафаккурни зўриқтирмайдиган томошага эҳтиёж сезади. Шу боис оммавий маданият намуналарининг аксарияти асрлар давомида яшаб келаётган ва инсониятнинг маънавий камолотига хизмат қилаётган ҳақиқий маданий қадриятлардан узоқ. Оммавий маданият қисқа умр кўради, тезда модага айланади ва унга талаб ҳар доим юқори эканига қарамай, жуда тез эскиради.

У жамиятнинг ижодий салоҳиятини бойитишга ҳисса қўшмайди, оммавий маданият маҳсулининг фикрсиз истеъмолчисига айланиб қолган жамиятни таназзулга етаклайди. Буни ҳозир турли «Омад-шоулар»ни кутиб, ўзи ҳам бир кун келиб ана шундай шоуларда машина ё каттароқ ютуқ ютиш илинжида яшаётган, «Ёр-ёр», «Маҳаллада дув-дув гап» каби кўрсатувларни қизиқиб томоша қилаётган, енгил куй-қўшиқларни севиб эшитаётган миллионлаб ватандошларимиз мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Нима бўлганда ҳам, бу жараённи тўхтатиш амримаҳол. Шундай экан, унинг ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланиш, салбий жиҳатларининг таъсирини камайтириш энг мақбул йўл бўлар эди. Аммо, афсуски, мамлакатимизда оммавий маданиятнинг шаклланиши, ривожланиши, жамиятга таъсири, аудиторияси бўйича бирон-бир илмий изланиш олиб борилмаяпти.

Оммавий маданиятнинг бир кўриниши бўлган телевизион сериаллар – халқимиз энг кўп муҳокама қиладиган мавзулардан бири. Бошида хорижий сериаллар миллий менталитетимизга, маънавиятимизга тўғри келмайди, деб бонг урдик. Натижада айрим чет эл сериаллари «қайчиланди», баъзилари эфирдан олиб ташланди ҳам. Шундан сўнг миллий сериаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, эфирни маҳаллий маҳсулот билан бойитиш талаби қўйилди. Шу билан муаммога ечим топилгандек бўлди гўё...

Ҳозирги кундаги воқелик шу: телеканалларимизда миллий сериаллар сони анча ортди. Аммо энди уларнинг бадиий ва ғоявий мазмуни талаб даражасида эмаслиги кўзга ташланиб қолди. Ижтимоий тармоқларда «Сабрия»га ўхшаш кўплаб сериалларимиз танқид қилинаётгани бежиз эмас.

Тўғри, сериал жанри мамлакатимизда энди-энди оммалашяпти. Телеижодкорлар бу борада ҳали зарур тажриба ва кўникмаларга эга эмас. Аммо композицион қурилиши заиф, савиясиз миллий сериалларнинг эфир юзини кўраётганига ҳам чидаб бўлмайди-да. Авваламбор, мен бу ерда сериаллардаги «миллий менталитетимизга ёт бўлган» эротик саҳналар, хатти-ҳаракатлар, зўравонликларни назарда тутмаяпман. Агар бу каби саҳналар савиясизларча, дидсизларча тиқиштирилмаган бўлса, қаҳрамонларнинг образини очиб беришга, композицияни англашга, ҳар бир асар учун зарур зиддиятни таъминлашга, жамиятимизда қарор топаётган иллатларни чуқурроқ англашга хизмат қилса, эътироз йўқ. Бироқ сериалларнинг қайнона-келин муносабатлари, бой хонадоннинг ўғли камбағал оиланинг қизини яхши кўриб қолишига ўхшаш майда-чуйда мавзулар атрофида ўралашиб қолишига, ҳаётдан анча йироқ сюжетлар асосида қурилишига қаршиман.

**ҲОЗИРГИ КУНДАГИ ВОҚЕЛИК ШУ: ТЕЛЕКАНАЛЛАРИМИЗДА МИЛЛИЙ СЕРИАЛЛАР СОНИ АНЧА ОРТДИ. АММО ЭНДИ УЛАРНИНГ БАДИИЙ ВА ҒОЯВИЙ МАЗМУНИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАСЛИГИ КЎЗГА ТАШЛАНИБ ҚОЛДИ. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА «САБРИЯ»ГА ЎХШАШ КЎПЛАБ СЕРИАЛЛАРИМИЗ ТАНҚИД ҚИЛИНАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС.**

Бир нарсани англашимиз керак: зиғирча бадиий қийматга эга ҳар қандай асар зиддиятларсиз, характерлар, дунёқарашлар тўқнашувисиз бўлмайди. Мисол учун, томошабинга ниманидир бера оладиган, уни мудом ҳаяжонда ушлаб турадиган, ўткир сюжетли «Муҳташам юз йил» сериалини олайлик. Унда том маънодаги ижобий ё салбий қаҳрамонлар йўқ. Қаҳрамонлар маълум бир вазиятлар, босимлар остида гоҳ яхши, гоҳ ёмон кўринади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари сабабини излашга уринасиз. Хиёнат ва садоқат, яхшилик ва ёмонлик, фисқу фасод ва тўғрисўзлик аро мантиқ қидирасиз. Ўйлаб кўринг, фақат «миллий менталитетимизга хос бўлган» қадриятлар асосида шундай сериал яратиб бўладими?

Аслида, «миллий менталитетимизга ёт бўлган» деган иборани бироз ўйлаб ишлатиш фурсати етмадимикин? Ахборот сайтларида, ижтимоий тармоқларда ҳар куни қотиллик, жанжал-тўпалон, мактаб ўқувчилари ўртасидаги муштлашувлар, ўз танини сотаётган аёллар, ўғрилик ва ҳоказолар ҳақидаги хабарларни ўқиймиз, видеоларни томоша қиламиз. Буларнинг барчаси ўзга сайёрада рўй бермаяпти-ку? Қолаверса, нега шундай ахборот оқимини камайтиришнинг қонуний механизмларини ишлаб чиқмаймиз? Аслида, ОАВ, ижтимоий тармоқлардаги шу каби контент жамиятимизда иллатларнинг урчишига сериаллардан-да кўпроқ замин яратмаяптими?

Жамиятдаги бундай иллатларга сериаллар сабаб эмас. Муаммонинг илдизи анча чуқур. Қадриятлар, дунёқарашлар ўзгаряпти, жамият табақалашяпти, одамлар ҳаёт билан экранда кўраётгани, ўқиб-ўрганаётгани ўртасида катта фарқ борлигини кўряпти, эътиқодлар, тафаккурлар чил-чил синяпти. Афсуски, фаҳш, ваҳшийлик, зўравонлик, қотиллик, ўғриликка оддий ҳаётда ҳам дуч келиняпти, камини Интернет, ижтимоий тармоқлар тўлдиряпти.

Ана шундай бир шароитда телеканаллар монтажхонасида ўтириб, киноасарлардаги бўса олиш саҳнасини «қайчилаб» ўтирганларга ачинасан, киши. Шу билан маънавиятимиз, маданиятимиз юксалиб қолса, қани эди?..

Биз ҳақиқатан маънавияти бутун халқдирмиз, ҳақиқатан ота-боболаримиз дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшгандир. Аммо кўплаб мамлакатларда бўлиб, ўзини маънавиятсиз, қашшоқ деб билган биронта халқни учратмадим. Ҳар бир халқ ўз даҳолари билан ғурурланади, ҳурмат бажо келтиради. Аммо шундай даврлар бўладики, аждодлар қудрати авлодлар уқувсизлигига алмашади, маънавияти, илм-фани инқирозга юз тутади. Мисол учун, дунёга неча ўнлаб даҳоларни етиштирган юнонларни олинг. Ҳозирги куни билан таққосланг.

Маънавият, маданият шунчаки қарор, низом ёки тадбирлар билан ўнгланадиган соҳа эмас. У – одамзоднинг тафаккури, тарбияси, билими, дунёқараши, қадриятлари ҳосиласи!

Одамлар моддий имкониятидан, маблағидан келиб чиқиб кийинади, ейди-ичади. Имкони йўқ одамга нега сен қиммат кийимлар турганда, Хитойнинг «ширпотребини» кияяпсан, нега соғликқа фойдали гўшт, балиқ, қизил икра, қора икра турганда, ёвғон шўрва қайнатиб ўтирибсан, дея олмаймиз. Бренд либосларни кийиш, яхши овқатланиш учун маблағ кераклигини тушунамиз. Инчунин, нега сен юксак маънавиятли асарлар турганида, бир тийинга қиммат фалон сериални, фалон томошани кўраяпсан, дейиш ҳам кулгили ва мантиқсиздир! Одамларга яхши нарсалардан фойдаланишни ўргатадиган маънавий маблағ эса таълим-тарбия, тўғри мафкура билан бўлади. Афсуски, жамиятни, ёшларни тўғри йўлга бошлайдиган, маданиятини, билимини оширадиган, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштирадиган, шунга рағбатлантирадиган ғояни ҳануз бера олмаяпмиз. Маънавиятсизликни жамиятимиз танасини заҳарлаётган хасталик десак, зиддизаҳар топиш ўрнига жамиятнинг «юрагига» қувват беришдан нарига ўтмаётгандекмиз, гўё.



**Жаҳонгир НАҲАНОВ,**
«ISHONCH»

---

Андижон вилояти

Жараён

# Эҳтиром ва эъзоз ИФОДАСИ

**«Нуроний» жамғармасининг Андижон вилояти бўлими кексаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, маънавий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, саёҳатлар уюштириш, зиёрат ва туризмни намунали йўлга қўйиш бўйича кўплаб ишларни амалга ошириб келмоқда.**

Вилоятдаги 882 та маҳалла қошида нуронийлардан иборат таянч гуруҳи тузилган. Унинг аъзолари турли муаммоларга дуч келганларга маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилик билан ҳамкорликда фойдали маслаҳатлар бериб келмоқдалар. Шунингдек, «Бир нуроний – ўн ёшга масъул» тамойили асосида иш юритаётган муҳтарам отахонлару мўътабар онахонларимиз навқирон авлод тарбияси, маънавияти, одоб-ахлоқи ва оилавий турмуш тарзи бўйича суҳбатлар ўтказмоқдалар, мушкул аҳволга тушиб қолганларга жўяли йўл-йўриқлар кўрсатиб, ўзларини ўнглаб олишларига кўмаклашмоқдалар.

Бу борада Қирғизбой Эрматов, Марҳабохон Тожибоева, Ғуломқодир Маматқодиров, Бегижон Назарқулов, Йигитали Холиқов, Абдували Боласозов, Ғофиржон Комилов, Манзурахон Эгамова бошқаларга ибрат кўрсатмоқдалар.

Кексаларнинг ўзи учун кўрсатиладиган энг катта ғамхўрлик уларга соғ-омон бўлишлари ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, турли тадбирлар ташкиллаштириш ва соғлом турмуш тарзини уларнинг ҳаётий эҳтиёжлари даражасига кўтаришдир. Шунга кўра, «Инсон – инсон учун» шиори остида ўтказилган ойлик доирасида уйда ётиб қолган 442 нафар, шифохоналарда даволанаётган 319 нафар боболар ва момоларнинг ҳол-аҳволидан хабар олинди, 186 нафар қариянинг уйларида ҳашар уюштирилди. 80 нафар нуроний Андижон туманида жойлашган Бобур сиҳатгоҳида дам олиб, соғлиғини тиклаб қайтди.

«Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам» шиори остида пиёда юриш марафонидаги тадбирлар вилоят маҳаллаларида ҳозирга қадар 3578 марта ўтказилиб, уларга 121662 нафар кекса фахрий жалб этилди. «Кексалар ойлиги» доирасида эса 17680 нафар кекса фахрий вилоятимиздаги 27 та туризм объектига, муқаддас қадамжолар ва музейларга, шунингдек, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Хоразм, Фарғона ва Наманган вилоятларига саёҳатга олиб борилгани кўпчиликка манзур бўлди.

Ўтган даврда мамлакатимиз иқтисодиёти, илм-фани, маънавияти, маърифати ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган андижонлик нуронийлар меҳнати муносиб баҳоланди. Уларнинг 100 нафардан зиёди «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Яқинда эса вилоятда яшаётган 11 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига ҳам худди шундай 1-даражали кўкрак нишонлари топширилди.

Биз қарияларимиз хонадонларимиз файзи-фариштаси эканини теран тушунамиз. Шу боис тўй ва байрамларда, маърака ва маросимларда, ҳашару тадбирларда қўлларини дуога очиб, юртимизга тинчлик-хотиржамлик, элимизга ҳамжиҳатлик, дастурхонимизга қут-барака тилаётган нуронийларимиз бахтимизга ҳамиша омон бўлсин, деймиз.



**Маъмуржон САИДХОНОВ,**
Андижон давлат университети доценти, пенсионер

---

Қорақалпоғистон Республикаси

Халқ таълими вазирлигига!

# Комиловнинг хати ҲУКУМАТ ҚАРОРИДАН УСТУНМИ?

**Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларига тўланиши керак бўлган устама пуллари жорий йилнинг январь ойидан бошлаб берилмаяпти.**

Хусусан, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нукус шаҳар кенгашига Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-, 22-, 31-, 37-, 46-, 47-, 48-сонли ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларидан шу мазмундаги шикоят аризалари келиб тушди.

Аслида, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 8-бандига биноан ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган директорлар, уларнинг ўринбосарлари ва психологларга устама берилиши керак. Аммо...



Халқ таълими вазири ўринбосари Т.Комиловнинг бир энлик хати ушбу қарорни йўққа чиқарди ҳисоби.

Ушбу хатда баён этилишича, Халқ таълими вазирининг 2021 йил 1 июлдаги 206-сонли буйруғига кўра, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарининг лавозим мажбуриятларига асосан тарбия жараёни билан боғлиқ вазифалар юклатилгани боис айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблардаги маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларга устама белгиланиши мақсадга мувофиқ эмас деб топилган. Шу важ билан бугун мамлакатдаги барча ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг устама пуллари қирқиб ташланган.

**Хўш, шунда Халқ таълими вазири ўринбосарининг хати бутун бошли ҳукумат қароридан устун келяптими? Ёки Вазирлар Маҳкамасининг 173-сонли қарорининг 8-банди бекор қилинган қандайдир бошқа ҳужжат ҳам қабул қилингану, биз бехабар қолдикми? Борди-ю юқоридаги вазият судга бориб тақалса, бу ҳолатни ким ўз бўйнига олади? Вазирлик «Биз шунчаки кўрсатма берганмиз, аммо ҳеч кимни мажбурламаганмиз», дея ўз сўзидан тонмаслигига, охир-оқибат, калтак мактаб директори ва ҳисобчисининг бошида синмаслигига кафолат борми?**
**Мазкур масала юзасидан Халқ таълими вазирлигининг муносабатини кутамиз.**



**Есимхон ҚАНОАТОВ,**
«ISHONCH»

Ҳикмат излаганга...



**Бу дунёда одам умид билан яшайди. Умид сўнган жойда одам ўлади. Бизга умр бўйи ҳамроҳ бўладиган умид ўлим тўшагида ҳам бизни тарк этмайди. Немис адиби Гётенинг фикрича, ҳатто қабр ёқасида ҳам умид яшайди. Агар оғриқли дарддан азоб чекаётган бўлсангиз ва шифокорлар тузалмас дард дея ташхис қўйса, нима бўлади? Ишонинг, бундай пайтда сизни фақат умид билан яшашга ундайди. Ҳеч қайси табиб толиққан вужуд, азоб чеккан қалбга умидчалик малҳам бўла олмайди.**

# Умид

Соғайиб кетиш учун ё «зўр» ё «зар» бўлиши керак. Агар иккаласи ҳам бўлмаса, яна ўша умид билан ёлғиз қоласиз. Ҳозирги кунда шифокор топиш қийин эмас. Биргина азим Тошкентда ҳар бешта бинонинг биттаси – клиника. Улар шунчалик ҳашаматлики, беихтиёр, жойига келдим, деб ўйлайсиз. Навбатга туриб, шифокор қабулига кирасиз ва унга дардингизни айтасиз. У тиббий текширувлардан ўтиш учун узун рўйхатни қўлингизга тутқазади. Унда оддий қон таҳлилидан тортиб, замонавий тиббий ускуналар – УЗИ, ЭЭГ, ЭКГ, МРТ, МСКТгача бор. Рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Асосийси бу эмас, ҳамма гап «анализлар»га кетадиган сарф-харажатда. Сизга текшир-текширлар учун отнинг калласидек чек чиқариб беришади. Ана шу жойда узун чўзилиб, ингичка узилади. Оддий кун кўрадиган кичикроқ оиланинг чекда кўрсатилган суммага камида 6 ой қозони қайнайди.

Ҳа, майли, пул топилар, энг муҳими, соғлик тикланса, бас. Аммо...

Афсуски, шу «аммо» азоб беради... Бир дунё текширув натижаларини олиб, шифокор қабулига яна кирасиз. Алам қиладигани шуки, кун давомида ҳам вақтинг, ҳам нақдинг кетган ўша ўлгур хулосаларга у тайинли қарамайди ҳам, қўлингизга дорилар рўйхатини тутқазади, холос. Яна, фалон жойда арзон, дея дорихона манзилини ҳам айтади.

Шаҳарнинг ҳар қадамида дорихона. Ё тавба, бу дунёда ҳамма касалми?

Дориларни қабул қилгач, ҳафта-ўн кундан сўнг оғриқлар қолади. Анча соғайдим, деб хаёлдан ўтказасиз. Дориларни истеъмол қилиб бўлгандан сўнг биласизки, дўхтир жаноблари фақат оғриқ қолдирувчи дориларни ёзган бўлади... Тушкунликка тушасиз, лекин яна умид туйғуси баланд келади.

Афсуски, кейинги вақтда инсон саломатлиги бизнесга айланиб кетди. Мен ҳамма шифокорларни қораламоқчи эмасман. Юртимизда касбига содиқ, ўз ишининг устаси бўлган шифокорлар кўп. Уларнинг борига шукр. Пандемия даврида жонбозлик кўрсатган шифокорлар олдида бош эгамиз. Мен билган Шукрулло Жалилов ҳам ҳар қанча эъзозга арзирлик шифокорлардан бири.

Француз ёзувчиси РоменРолланнинг зўр гапи бор: «Тирик одам ҳали ҳеч нарсани йўқотмадим, деса бўлади». Шукрулло Жалиловнинг қабулига кирган киши ҳам ана шу ҳикматни ҳис қилади. Унда умид уйғонади, ҳаётга ишончи ортади.

Тиббиёт фанлари номзоди, невропатолог Шукрулло Жалилов шифокорлар оиласида улғайди. Бобоси, онаси, опа-сингиллари, ака-укалари-ю, турмуш ўртоғи, фарзандлари ҳам шифокорлик касбини танлашган. Ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонган, қўли енгил, билимли ҳамда тажрибали шифокорнинг таъкидлашича, саломатлик бу – бахт! Дардга даво топишнинг энг асосий омили тўғри ташхис қўя олиш экан. Масалан, биргина эпилепсияни олайлик, халқ орасида тутқаноқ дея аталадиган ушбу касалликнинг 100 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, дорилар аниқ танланган тақдирдагина даволаш ўз натижасини беради. Шу сабабми, айрим беморлар даволанишдан умидини узиб бўлган. Бироқ Шукрулло Жалиловга мурожаат қилган бемор дардига даво топади. Бу – муболаға эмас. Шу кунгача Туркия, Польша, Чехия, Финляндия, АҚШ, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон каби давлатлардан 2500 нафардан ортиқ бемор Шукрулло акага мурожаат қилиб, ўз дардига даво топди. Бу фақат хориждан ташриф буюрган беморлар статистикаси, холос. Мамлакатимиз фуқаролари сони ҳам бундан кам эмас. Энди тасаввур қилинг, шу инсон туфайли қанчадан-қанча хонадонга шодлик инмоқда.

Мен бу мақола билан кимнидир «реклама» қилмоқчи эмасман. Фақат ўз раҳматимни етказишга уриндим, холос. Аслида, Шукрулло ака рекламага муҳтож эмас. Ундан-бундан эшитиб келувчилар жуда кўп. Чунки Шукрулло ака шифокорлик бурчидан ташқари инсонийликка ҳам катта эътибор қаратади. Иқтисодий аҳволи ночорларни текинга ҳам даволаши мумкин. Тўшакка михланиб қолган беморларни узоқ йўл босиб, кўриб келади десам, балки ишонмассиз. Бу одам бунча кучни қаердан олар экан-а?

Ўзининг айтишича, ногиронлик аравачасида келиб, муолажалардан сўнг ўз оёғи билан юриб кетаётган беморини кўрганида, ғайратига ғайрат, кучига куч қўшилар экан. Тўғри-да, йиллар давомида дардига даво топа олмай, шифтга термулиб ётган хаста киши якунда юриб кетса, ким ҳам хурсанд бўлмайди? Балки қилинган дуолар у кишига куч бағишлар? Лекин бир нарса маълумки, Шукрулло Жалилов каби жонкуярлар бор экан, умид туйғуси ўлмайди.

Зеро, Леонардо да Винчи айтганидек, «Умид тугаган жой хувиллаб қолади». Тилагимиз шуки, ҳеч кимнинг умиди ҳеч қачон сўнмасин!

**Ўткир ЭШОВ**

Хотира

# ДОИМО ҚАЛБИМИЗДА ЯШАЙСИЗ!

**Мирғиёс ҚАЮМОВ**



**Ўзбек матбуоти оғир жудоликка учради – ўз соҳасининг билимдони, заҳматкаш инсон, содиқ дўст, оилапарвар ота ҳамда меҳрибон устоз Мирғиёс Қаюмов ҳаётдан кўз юмди.**

Ўзбекистон Миллий университети (собиқ ТошДУ)да ўқиб юрган йиллариданоқ «Тошкент ҳақиқати», сўнгра «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида фаолият кўрсатди – мухбир, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари вазифаларида матбуот ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Заҳматли меҳнат ва йиллар давомида тўпланган тажриба 1998 йилнинг кузида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри бўлмиш «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири этиб тайинланган Мирғиёс Қаюмов учун, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос ҳосил фаслига айланди. Нашр қайтадан юз очди, нафақат шакл-шамойилда, мазмун-мундарижада ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Ижтимоий-иқтисодий мавзулар кўлами кенгайиб, касаба уюшмалари ҳаётига ёндашув янада ёркин бўёқларда ўз ифодасини топа бошлади.

Мирғиёс Қаюмов раҳбарлик қилган етти йилдан кўпроқ вақт мобайнида касаба уюшмалари нашри ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий масалалар тарғиботчиси сифатида тилга тушди ва эътироф этилди. Эътиборли ва ибрат олишга арзигулик жиҳати шуки, фаолиятини мухбирликдан бошлаганини унутиб қўймади – мухбирлигича қолди: долзарб мавзуларни қаламга олиш ёки шикоят хатларини жойида ўрганиш, таҳлил этиш учун хизмат сафарига отланишни канда қилмади.

Бугунги кунда ушбу анъанани унинг шогирдлари давом эттирмоқда ва бу жонкуяр ижодкор ўзидан ёркин из ҳамда ўчмас хотира қолдирганидан дарак беради.

Инсон азиз, хотира абадийдир!

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси**





# Диққат! «Олтин қалам–XVI» танлови бошланди

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси миллий ва халқаро журналистика ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фаол фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий журналистика ривожига ҳисса қўшиш мақсадида Жаҳон матбуот эркинлиги кунига бағишланган* ***«Олтин қалам – XVI» Миллий мукофоти*** *учун халқаро танловини эълон қилади.*

Танлов – телевидение, радио, босма нашрлар, интернет-журналистика ва чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материаллари бўйича беш йўналишда ўтказилади.

Танловда ***(2021 йилнинг 31 мартидан 2022 йилнинг 1 апрелигача)*** босма ва интернет нашрларда эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган материаллар кўриб чиқилади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар сони 5 тадан кам бўлмаслиги шарт. **Материаллар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, шу йилнинг 15 апрелигача қабул қилинади.** Ижодий ишларнинг электрон версияси Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг jurnalistlar.uz сайтидаги «Олтин қалам-XVI» саҳифасига жойлаштирилади.



**Асосий мукофотлар**

1 та Бош миллий мукофот!

**Телевидение бўйича**

*Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);*

**Радио бўйича**

*Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);*

**Босма нашрлар бўйича**

*Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар);*

**Интернет нашрлар бўйича**

*Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (1-, 2-, 3-ўринлар).*

*Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун – 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин.ТВ, радио, босма ва интернет нашрлар.*

**Шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар**

** Инсон қадрини улуғлашга бағишланган энг яхши материаллари учун;*

** Оила ва маҳалла мавзуси энг яхши ёритилган материаллари учун;*

** Ўзбекистон тарихи ёритилган энг яхши материаллари учун;*

** Энг яхши ахборот хизмати;*

** Энг яхши фоторепортаж.*

**Босма ва интернет материаллари** *асл ёки кўчирма нусхада (босма ёки интернет нашрда чоп этилгани ҳамда қоғозда қисқача мазмуни баёни) ва уларнинг электрон версияси тақдим этилиши лозим.*

**Видео материаллар** *3 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши ва флеш карта (ташқи хотира қурилмаси) имкон қадар рангли форматда, аннотацияси (қоғозда қисқача мазмуни баёни) билан бирга тақдим этилиши керак.*

**Аудио материаллар эса** *5 дақиқадан 30 дақиқагача бўлиши ва аудио материаллар флеш карта (ташқи хотира қурилмаси)да, аннотацияси (қоғозда қисқача мазмуни баёни) билан бирга тақдим этилиши лозим.*

**Материалларга қуйидаги маълумотлар илова қилиниши шарт:**

*Муаллифнинг исми – шарифи, паспорт нусхаси, иш фаолияти ҳақида қисқача маълумот (объективка), манзили ва алоқа учун телефон рақами.*

*Таҳририятлар учун эса Бош муҳаррирнинг исми-шарифи, таҳририят манзили ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси.*

*Танловга тақдим этилган материаллар қайтарилмайди.*

*Тантанали тақдирлаш маросими 2022 йил 3 май – Жаҳон матбуот эркинлиги куни ўтказилади.*

**Ижодий ишлар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:** 100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-ва 8-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.



**Мурожаат учун телефонлар:** 71-244-64-62, 71-244-37-87, 71-244-64-61.
**Телеграм рақами:** 99-592-05-48.

*Тошкент вилояти*

Тадбир



# Ҳам мусобақа, ҳам маданий ҳордиқ чиқариш

**Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимлар учун «Спорт – саломатлик гарови!» шиори остида республика спартакиадаси ташкил этилди.**

Ушбу уюшманинг Республика кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасаррудидаги Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармаси, Маданият вазирлиги, Спорт фахрийлари уюшмаси, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамкорлигида уюштирилган бу мусобақалар икки босқичда ўтказилди.

Биринчи босқичда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тизимда меҳнат қилаётган ходимлар ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка ва минифутбол бўйича ҳамкасблари билан мусобақалашган бўлсалар, иккинчи босқичда иштирокчилар 5 та ҳудудга бўлинган ҳолда мутлақ ғолибликка даъвогарлар сафига чиқиш учун курашишди. Беллашувларда жами 21359 нафар соҳа ходими иштирок этди. Финал босқичига Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида жойлашган «Бўстон» сиҳатгоҳи ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети 3 кун давомида мезбонлик қилди.

– Муросасиз кечган мусобақаларда 12 кишидан иборат жамоамиз ҳам муносиб иштирок этди, – дейди Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси масъули Диловар Темирова. – Минифутболдан 1-ўринни, стол теннисидан эркаклар ўртасида 2-ўринни қўлга киритдик. Беллашувлар юқори кайфиятда ўтди. Иштирокчилар спортда баҳслашиш билан бир қаторда, «Бўстон» сиҳатгоҳида мириқиб дам олишди. Бунинг учун ташкилотчиларга миннатдорлик билдирамиз.

Тақдирлаш маросимида эркак ва аёллар ўртасида «Энг ёши улуғ иштирокчи», «Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи», «Ғалабага бўлган интилиши учун», «Энг ёш иштирокчи» каби номинация эгалари ҳам аниқланди. 1-, 2- ва 3-ўрин ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар.



**Зебо НАМОЗОВА,**
«ISHONCH»

Эълонлар

«AMORANT» масъулияти чекланган жамияти таъсисчисининг 2022 йил 30 мартдаги қарорига асосан «AMORANT» МЧЖ «AMORANT» оилавий корхонаси шаклида қайта ташкил этилиши муносабати билан «AMORANT» МЧЖнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари «AMORANT» ОКга ўтганини маълум қиламиз.

«AMORANT» масъулияти чекланган жамияти «AMORANT» оилавий корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, келгусида барча ҳисоб-китобларни қуйидаги ҳисобрақамимиз орқали амалга оширишингизни сўраймиз:

**Манзил: Тошкент ш., Яшнобод тумани, Фарғона йўли 3-тор кўча, 165А уй.**
**Банк:** Асака банк Юнусобод филиали
**МФО:** 00963
**ҳ/р:** 20208000404242140001
**ОКЭД:** 23120
**ИНН:** 204410620
**Тел.:** +998998257770

«PRO-RENT INVEST» МЧЖ ҚК (СТИР 303321587) таъсисчиларининг навбатдан ташқари йиғилиши баённомасига асосан масъулияти чекланган жамияти устав фондининг ҳажми 162 040 800 063 сўмдан 161 257 340 834 сўмгача камайтирилмоқда.

Талабномалар бир ой давомида қуйидаги юридик манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 6-уй. Тел.: 93 381-00-76.

* * *

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, «Қўшёғоч» маҳалласи, Бирлик (ДРСУ) кўчаси, 55/1-хонадон учун Раҳмонов Толят номига берилган барча кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ, «Олмазор» маҳалласидаги рақамсиз уй учун Узакова Нарпоша Тошкенбаевна номига берилган уйнинг барча кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Чиноз туманидаги 28-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2007 йилда Нуриддинова (Мирхайдарова) Гўзал Абдуғани қизи номига берилган №2856736 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

**МУАССИС:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:**

**Қудратилла РАФИҚОВ**
*(таҳрир ҳайъати раиси),*
**Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ**
*(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),*
**Меҳриддин ШУКУРОВ**
*(Масъул котиб – «Ishonch»),*
**Валентина МАРЦЕНЯК**
*(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)*

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+998-99) 889-90-22
**Андижон вилояти** – (+998-99) 889-90-23
**Бухоро вилояти** – (+998-91) 406-43-24
**Жиззах вилояти** – (+998-99) 889-90-34
**Наманган вилояти** – (+998-99) 889-98-02
**Навоий вилояти** – (+998-99) 889-90-28
**Тошкент вилояти** — (+998-93) 573-77-14
**Самарқанд вилояти** – (+998-99) 889-90-26
**Сирдарё вилояти** – (+998-99) 889-98-55
**Сурхондарё вилояти** – (+998-99) 889-90-32
**Фарғона вилояти** – (+998-99) 889-90-24
**Хоразм вилояти** – (+998-99) 889-98-01
**Қашқадарё вилояти** – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Ж. Наҳанов

**Мусаҳҳиҳ:**
Д. Худойберганова

**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти –**23:10**
Топширилди – **23:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **V- 5095**
**34351** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нархда**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130